

qiymatga ega bo'lmoqda. Biroq ulardagi asosiy muammo mahsulotning tez buzilishi va sifatini nisbatan pastligi hisoblaniladi.

Aniqlanilgan integral ko'rsatkichlar aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlashda ularning talablarini hisobga olish, ular uchun qulay bo'lgan sotuv kanallarini rivojlantirish, har bir sotuv kanalining kamchiliklarini aniqlash va ular bartaraf etish yo'llarini izlab topishga xizmat qiladi. Fikrimizcha bu yo'nalishdagi tadbirlarni amalga oshirish mahsulotni iste'molchilarga yetkazib berishdagi yo'qotishlarni kamaytirish va oziq – ovqat xavfsizligini ta'minlashda ijobiy natijalarga erishishga xizmat qiladi.

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

А.Т.Ахмедиева, DSc.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Н.С.Рахимходжаева, мустақиллик изланувчи

З.А.Фазлиддинова, стажёр тадқиқотчи

ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини

ривожлантиришнинг илмий асослари

ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази

Глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ янги иқтисодий шароитлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг байналмилаллашуви, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, товар ва ресурс бозорларида рақобатни кучайтиришда тобора муҳим рол ўйнайдиган геосиёсатнинг таъсири мамлакат миллий иқтисодиётининг умумий тизимида Ўзбекистон ҳудудларининг ўрнини аниқлаш муаммосини янада кучайтирди. Бугунги кунда бозордаги бўшлиқларни аниқлаш, ҳудудий иқтисодиётни ихтисослаштириш ва диверсификация қилишнинг энг истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳудудлар олдидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бундай вазифалар ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тизимини ривожлантиришнинг умумий векторини белгилаб берувчи дастур ва стратегик ҳужжатларга уйғун ҳолда амалга оширилиши кераклигини унутмаслик лозим.

Минтақалар ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари уларнинг табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий шароитларининг хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Буни ҳисобга олиш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш суръатлари ва нисбатларини, мамлакатдаги таркибий ўзгаришларни белгилайди¹¹¹.

Ҳудудий иқтисодиёт ўзининг молиявий асосига, қўшимча ресурслар манбаларига, шунингдек, уларни тақсимлаш механизмига эга бўлган яхлит тизим сифатида таҳлил қилиниши керак. Ҳудудий ривожланишни

¹¹¹А. Кадыров и др. Региональная экономика. Учебное пособие. - Т.: Издательский дом Инновационного развития, 2018. — С. 125.

шакллантирувчи асосий омилларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш, инфратузилмавий, илмий-техникавий, малакавий, экспорт, рекреацион салоҳият ва бошқалар.

Худуд бир-бирига боғланган ва бир-бири билан маълум бир тарзда ўзаро таъсир қилувчи бир қатор кичик тизимлардан ташкил топган мураккаб тизимдир.

Худудий миқёсда иқтисодий ривожланишни бошқаришнинг муҳимлиги бозор иқтисодиётининг мавжуд камчиликлари, биринчи навбатда, унинг иқтисодий фойда олишга йўналтирилганлиги ва ижтимоий адолат муаммоларига эътибор бермаслиги билан боғлиқ. “Худудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш”¹¹². Шу билан бирга, иқтисодий ривожланишни худудий даражада бошқаришнинг мақсадга мувофиқлиги мавжуд иқтисодий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва худудий тақсимооти жараёнида ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги, географик ва демографик хусусиятлар билан асосланади.

М.В.Зелинская худудни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқади ва унга “худудий иқтисодий тизим - бу иқтисодий тизимларнинг бирлашиши ва уйғунлашуви натижасида шаклланадиган, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини бошқариш тизимини яратадиган, шунингдек интеграл субъектнинг мураккаб шакли бўлган мулкый муносабатлар мажмуи” деб, таъриф беради¹¹³. М.В.Зелинскаяга оид адабиётлар таҳлилига кўра, худудга тизим сифатида қуйидаги айрим хусусиятларни ажратиш мумкин:

худуднинг иқтисодий ривожланиш даражаси, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучларнинг концентрация даражаси;

ишлаб чиқариш омилларининг тарихан ривожланган ўзига хос хусусиятлари, худуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимини изчил ривожлантириш имконияти, унинг сифат жиҳатидан бошқа даражага ўтиш имконияти, инновацион ўзгаришларга мойиллиги;

ижтимоий-демографик хусусиятлар, жумладан, худуд аҳолиси сони, аҳоли зичлиги, жинси ва ёши, аҳолининг таълим даражаси, иқтисодий фаоллик даражаси, ишлаб чиқариш жараёнлари ва кундалик ҳаётда инновациялар жорий қилиш, замонавий, шу жумладан рақамли технологиялардан фойдаланиш қобилияти. Пировард натижада ушбу ижтимоий-иқтисодий тизимнинг меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини шакллантиради;

худудларда аҳоли жон бошига ўртача даромадлари, уларнинг табақаланиши, шунингдек, ушбу худуднинг инвестицион салоҳияти, худудий мустақиллик даражаси. Бундан ташқари, даромадлар даражаси худудий ижтимоий-иқтисодий тизим самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси ва сифати каби муҳим кўрсаткичларини белгилайди, улар ижтимоий барқарорлик ва худуд аҳолисининг иқтисодий фаоллигини шакллантиради;

¹¹²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон«Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида

¹¹³ Зелинская, М.В. Региональная экономическая система как интегральный субъект эволюционного процесса / М.В. Зелинская // Экономика и управление. – 2009. - № 10(59). — С. 228.

худуднинг мамлакат халқ хўжалигида тутган ўрни ва роли. Худудий ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожлантиришнинг институционал асосларини шакллантириш кўп жиҳатдан худуднинг мамлакат халқ хўжалигида тутган ўрни ва ролига боғлиқ ҳисобланади.

Таркибий сиёсат деганда иқтисодиёт тармоқларининг хусусий бизнес билан шериклик асосида ривожланишида, маъмурий бошқарув, тартибга солиш ва молиявий ёндашувларга асосланган ҳолда ажратилган молиявий ресурсларни назорат қилиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг бир қисми тушунилиши керак. Таркибий сиёсат давлат, вилоят ва шаҳар (туман) даражасида ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши мумкин.

Худудий даражадаги таркибий сиёсат давлатнинг таркибий сиёсатини, худудий даражадаги меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, худудий ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Тармоқлар, худудий-тармоқ ва тармоқлараро комплекслар ҳамда корхоналар мажмуи сифатида худудий иқтисодий тизим худуд таркибий сиёсатининг объекти ҳисобланади. Худуд таркибий сиёсати объектининг бундай кўриниши таркибий ўзгаришларга тизимли ёндашувни таъминлайди.

Шундай қилиб, худудий иқтисодий тизим барча субъектларнинг консенсусини назарда тутган ҳолда худуднинг таркибий сиёсати доирасида амалга ошириладиган таркибий ўзгаришларнинг мураккаб ва кўп қиррали объектидир: худудий ҳокимият органлари, тадбиркорлик ва унинг вакиллари, фан ва таълим муассасалари, касаба уюшмалари ва маҳаллий аҳоли.

Бугунги кунда давлат барқарор иқтисодий ўсиш учун мотивация шакллантириши етарли даражада эмас дейишимиз мумкин. Сабаби солиқ юкининг ортиши кузатилмоқда, кредит олиш қийинлигича қолмоқда ва бу ишлаб чиқариш ўсишини сезиларли даражада секинлаштиради. Ишлаб чиқаришнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи омиллар қаторида аҳоли ўртасида маҳаллий корхоналар маҳсулотларига талабнинг етарли эмаслиги, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, турмуш даражаси ва сифатининг пастлиги туфайли юзага келган иқтисодий вазиятнинг ноаниқлиги ва хавфини ҳам кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётнинг ижтимоий тузилиши ўзаро муносабатлар асосида бирлаштирилган ижтимоий-иқтисодий таркибий қисмларни ўз ичига олади. Мисол тариқасида меҳнат фаолияти турларини кўриб чиқишимиз мумкин: малакали ёки малакасиз; ёш ва жинс хусусиятлари бўйича: пенсионерлар, ёшлар ва бошқалар; корхоналарнинг фаолият кўлами бўйича: йирик, ўрта, кичик. Демак, худудий иқтисодий тизим элементларининг турли-туманлиги ва мураккаблиги туфайли уни тузилишга бўлган ёндашувларнинг ҳеч бири иқтисодиёт тузилмаси ҳақида яхлит кўринишни бермайди. Шу боис самарали таркибий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун барча ёндашувлардан биргаликда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Рақамлаштириш шароитида давлат ва ҳудудий даражадаги таркибий ўзгаришлар муаммоси бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бизнингча, ҳудудий иқтисодиёт таркибининг такомиллаштирилиши иқтисодиётда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг носимметриклиги, шунингдек, рақамли иқтисодиёт самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ.

Ақлли шаҳарлар, уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда давлат хизматларини рақамлаштириш Ўзбекистон ҳудудларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳудудларнинг баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш зарур, бу эса ушбу йўналишдаги илғор ҳудудларни аниқлаш ҳамда уларнинг тажрибаларини ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқа ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудларга тажриба сифатида фойдаланиш имконини беради.

Фикримизча, юқорида келтирилган таркибий ўзгаришларнинг энг мақбули бозор ва маъмурий турлардир. Бугунги кунда бозор ва маъмурий ўзгаришлар жараёнида ҳудудий ривожланиш манфаатдор томонларининг иштирокисиз амалга оширилмайди. Манфаатдор томонлар (маҳаллий ҳокимият, бизнес, илмий-тадқиқот муассасалари, таълим ташкилотлари, касаба уюшмалари ва аҳоли) иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши жараёнига муайян таъсир кўрсатади, аммо энг катта таъсир илмий ва таълим муассасаларидан келиб чиқади, бу уларнинг иқтисодиётни рақамлаштиришга тайёрлиги билан изоҳланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳудуд иқтисодиётидаги тартибсиз таркибий ўзгаришларни тўлиқ бартараф этиш ҳамда стратегия ва дастурлар ишлаб чиқиш доирасида жамият ва иқтисодиёт ривожланишининг жорий тенденцияларини, жумладан, глобаллашув, рақамлаштириш, инсонпарварлик ва бошқаларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда бозор ва маъмурий ўзгаришлар учун шарт-шароитлар яратиш ҳудудий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Ўзбекистон ривожланишини узлуксиз амалга ошириш ижтимоий ҳамда иқтисодий ислохотлар туфайли ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгарди, уларда бозор муносабатлари ҳамда янги хўжалик юритиш тамойилларига мос бўлган ўзига ҳос ҳудудий муҳит шаклланди. Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида: “Давлат бошқарув идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади. Бошқарув идораларининг ҳудудий масалалари ҳал қилишдаги маъсулият ва жавобгарлиги кучайтирилади” деб вазифа қўйилган¹¹⁴. Бу вазифалардан бири давлат бошқарув органлари, хусусан кадастр соҳасида, қишлоқ хўжалик соҳасида ГАТ технологиялардан самарали фойдаланиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ахборот тизимининг ушбу бўлими жадал суръатлар билан ўсиб бориши

¹¹⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlis va xalqimizga Murojaatnomasi. 29.01.2020. Elektron manba:<https://president.uz/uz/lists/view/4057>

натижасида у нафақат техник соҳаларда, балки ҳаётимизнинг турли ижтимоий соҳаларида ҳам қўлланилиб келинмоқда. ГАТнинг қўлланилиши соҳалари кенг бўлиб, у турли ҳолатларда, жумладан соғлиқни сақлашда янги клиника ва шифохоналарни географик жиҳатдан мос ва аҳолига қулай қилиб жойлаштириш жараёнида, юк ташиш билан шуғулланадиган корхоналар учун йўл маршрутлари ва жадвалларини тузиш ҳамда аниқлашда, автомобил йўлларини қурувчи корхоналарга янги трасса ва йўлларни лойиҳалашда энг мақбул вариантни танлаш пайтида, шунингдек, давлат фондидаги ерларни тўғри ва оқилона ҳисоблашда, фермерлар учун янги ерларни тўғри ва оқилона ҳисоблашда, фермерлар учун янги ерларни ўзлаштиришда, ерларнинг ҳолатини аниқлаш ва улар тўғрисида етарли маълумот олишда жуда қўл келади.

Бундай вазифаларни самарали ҳал этиш, ҳудудларда меҳнат ресурслари шаклланадиган макон сифатида, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта рол ўйнайди. Шу боис ҳудудлар фаолият юритиши ҳамда уларнинг иқтисодиёт тармоқларининг ривожлантиришдаги роли бугунги кунда олим ва мутахассисларни ҳамда давлат бошқарув тузилмалари раҳбарларининг эътиборини ўзига тортмоқда. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ инобатга олувчи илмий услубий ёндашувнинг етишмаслиги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун аниқ мукамал яратилган лойиҳалар ва технологияларни мавжуд эмаслиги, улар салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Юртимизда кўп тармоқли соҳаларга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Шу жумладан қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялар, таълим, кадастр, қурилиш, саноат соҳасигадир. Қишлоқ хо‘жалиги аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи асосий манбаа ва моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлардандир. Айни вақтда у кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хом-ашё етказиб беради. Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа жами соҳаларидан фарқ қилган ҳолда қишлоқ хо‘жалиги жуда катта майдонларда ва ҳудудий хилма-хил шароитларда олиб борилади. Аҳолининг турмуш даражаси, билим даражаси барчаси давлатни ривожланишида асосий омиллардан биридир. Кундан кунга ривожланиб, ўзгариб бораётган даврда мамлакатимизни жаҳон мамлакатлари қаторида ўз ўрнига эга бўлиши учун, ГАТ технологияларини ривожлантириш жуда муҳимдир. Бунинг учун эса аҳолининг саводхонлигини ошириш, сифатли таълим, малакали кадрлар тайёрлаш асосий масаладир. Бу каби кўрсаткичлар ижтимоий- иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида

Зелинская, М.В. Региональная экономическая система как интегральный субъект эволюционного процесса / М.В. Зелинская // Экономика и управление. – 2009. - № 10(59). — С. 228.

А. Кадыров и др. Региональная экономика. Учебное пособие. - Т.: Издательский дом Инновационного развития, 2018. — С. 125.

А.А.Ибраимова, Сотсиал-иқтисодий картография [Матн]:ўқув қўлланма-Тошкент: Тафаккур томчилари, 2020.-306б.

Т.Х.Болтаев ва бошқ.; Геоахборот тизимининг илмий асослари: Ўқув қўлланма.; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент ирригатсия ва мелиоратсия институте. «Т.:Иқтисод-Молия, 2016. 284 б.

INNOVATION MECHANISMS FOR INDUSTRIAL CLUSTER MANAGEMENT IN REGIONS

M.F.Makhmudov, Ph.D, dots

Doctoral Student at the Institute of Macroeconomic and Regional Studies under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Studying the methodological basis of the content and structure of the industrial cluster management mechanism allows us to conclude that there are different points of view on the structure of the mechanism, and there are no significant differences between them.

Regarding the organizational-economic mechanism of management of industrial clusters in the region, the following appear as its elements:

subject - coordinating council of regional industrial cluster;

object - organizational and economic processes occurring in the industrial cluster;

forms and methods of the industrial cluster in accordance with the defined goals and objectives.

In the process of implementing the industrial cluster management mechanism, the leading role belongs to the cluster coordinating council, and the state authorities and management bodies representing the regional cluster association serve it in every way. The coordinating council of the cluster initiates the development of this document, is the organizer of its implementation, and appears as the leader and active executor of most projects and programs.[1]

In our opinion, the cluster association will:

- review and approval of the cluster development strategy, the plan of measures for its implementation;

- study and selection of business plans for cluster projects in accordance with the cluster development strategy partially financed from budget funds;

- coordinating the activities of executive bodies of regional state power, local executive and administrative bodies, and business entities for cluster development;

- controlling the spending of budget funds allocated for the development of the territory;

- monitoring cluster activities and evaluating its effectiveness.

The organization of the activities of the participants within the cluster is carried out by the coordinating council of the cluster, which includes leaders of the core of the cluster, representatives of enterprises, large resource suppliers, chairmen of the association (union) of small business enterprises, representatives of educational and scientific institutions whose interests are within the sphere of influence of the cluster, representatives of interested financial institutions. and unites others.